

**2020 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ КҮРА «O'ZNEFTGAZIFORMATIKA» АЙНИНГ  
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА  
ХУЛОСА**

«O'zneftgaziformatika» Айнинг (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса «FULL STOCK GROUP» MChJ (кейинги ўринларда – Компания) томонидан тайёрланди.

Компания Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази (ҳозирги кунда - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Капитал бозорини ривожлантириши Департаменти) томонидан 06.04.2012 йилда берилган 1227 сонли лицензияга асосан амалга оширади.

Компания ўз фаолиятини «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида» ги Низом, ҳамда бошқа номатив-хуқукий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири хисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси (ҳозирги кунда - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариши агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

**Компания факат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, хисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар хисобланади.**

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, хисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат килади.

Ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра «O'zneftgaziformatika» АЙ да корпоратив бошқарув тизими даражаси **юкори** деб эътироф этилади ва корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **608 балл (ёки фоиз шкаласи буйича 51%)**ни ташкил этди.

Директор

Кан П.В.



*Хулоса берилган вакти:* 28.05.2021 й.